

ОЛИЙ ТАЪЛИМ-ЖАМИЯТНИ МОСЛАНУВЧАНЛИГИНИ  
ТАЪМИНЛОВЧИ МУҲИМ ОМИЛ

**Тожалиев Абдуқосим Абдулҳакимович**

*фалсафа фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), катта ўқитувчи,  
Фарғона давлат университети,*

**Тожалиева Гулшаной**

*ўқитувчи,*

*Фарғона шаҳар 16 мактаб*

**Аннотация:** Мақолада олий таълим тизимини янада ривожлантиришнинг долзарб масалалари ривожланишнинг янги босқичи нуқтаи назаридан муҳокама қилинади. Муаллиф, мамлакатнинг инновацион ривожланиши нуқтаи назаридан олий таълимни ислоҳ қилиши ва жамият барқарор ривожланишини таъминлашнинг муҳим омили сифатида тадқиқ этган. Ушбу мақолада замонавий кадрлар тайёрлаш тизимида инновацион усулларни жорий қилиши билан боғлиқ масалалар кўриб чиқилган.

Муаллиф янги шароитда жамиятнинг барқарор ривожланишида муҳим оми сифатида олий таълимнинг ривожланиши муаммоларини ўрганиб чиқди ва эътиборини мамлакатда ислохотлар жараёнлари билан олий таълим тизимини такомиллаштиришнинг замонавий вазифаларини бирлаштиришга қаратган.

**Калит сўзлар:** олий таълим, ислохот, университет, ёшлар, инновация, бозор иқтисодиёти, жамият, барқарор ривожланиш.

**Аннотация:** В статье рассматриваются актуальные вопросы дальнейшего развития системы высшего образования в условиях нового этапа развития. Автор исследует проблемы реформирования высшего образования в контексте инновационного развития страны и как важного фактора обеспечения устойчивого развития общества. В работе рассмотрены связь данного вопроса с внедрением инновационных методов в систему подготовки современных кадров.

Автор исследовал проблемы развития высшей школы в новых условиях как важного фактора в устойчивом развитии общества. Сделана попытка связать современные задачи совершенствования системы высшей школы с реформационными процессами в стране.

**Ключевые слова:** высшее образование, реформа, университет, молодежь, инновация, рыночная экономика, общество, устойчивое развитие.

**Abstract:** In article pressing questions of the further development of system of higher education in the conditions of a new stage of development are considered. The author investigates problems of reforming of higher education in a context of innovative development of the country and as important factor of maintenance of a sustainable development of a

*society. In work are considered communication of this point in question with introduction of innovative methods in system of preparation of modern shots.*

*The author investigated problems of development of the higher school in new conditions as important factor in a society sustainable development. Attempt to connect modern problems of perfection of system of the higher school with реформационным processes in the country is made.*

**Keywords:** *higher education, reform, university, youth, an innovation, market economy, a society, a sustainable development.*

**КИРИШ:** Олий таълим жамият барқарорлигини ва ижтимоий-иқтисодий муаммолар ечимини таъминлашда муҳим ўрин эгаллайди. Ушбу жараённинг ўзига хос хусусияти шундан иборатки, биринчидан талаба ёшларнинг маънавий ва ахлоқий камолотига устувор таъсирга эгаллиги, иккинчидан, жамиятнинг янги тараққиёт босқичида, яъни унинг барқарор ривожланиши юқори малакали кадрлар корпуси фаолиятига боғлиқлиги билан муҳим назарий ва амалий аҳамият касб этади. «Чунки жамиятимизда олий маълумотга эга, юксак малакали мутахассислар қанча кўп бўлса, ривожланиш шунча тез ва самарали бўлади. Олий таълим муассасаларида илмий салоҳиятни янада ошириш, илмий ва илмий-педагог кадрлар тайёрлаш кўламини кенгайтириш – энг муҳим масалалардан биридир».[1]

Ҳозирги даврда жамиятнинг барқарор ривожланишини таъминлаш, бевосита ислохотлар натижасида эришиладиган, кўзланган ижтимоий-иқтисодий марраларни кўлга киритиш, баркамол шахс камолотини таъминлаш, ёшларни атрофда содир бўлаётган салбий жараёнлардан асраш каби масалалар билан чамбарчас боғлиқдир. Ушбу муаммолар қаторида экологик бўҳронлар, ёшларга салбий таъсир этадиган оммавий маданият, салбий ахборот хуружидан асрай оладиган иммунитетни шакллантириш, юксалтириш зарурияти асосий вазифалардан ҳисобланади. Айниқса бу вазифалар ечими жаҳонда кечаётган глобал характерга эга бўлган ўзгаришлар, ривожланиш тенденцияларига, яъни бозор иқтисодиёти муносабатлари фундаментализмининг чуқурлашуви натижасида фақат фойда олиш учун интилиб яшаш истагининг кучайиши жараёнига бевосита боғлиқлигидир.

### **АСОСИЙ ҚИСМ**

Инсоният “ривожланиш” орқасидан қувлаб, уни таъминлаш учун доимий ҳаракат қилади. Лекин бу ҳаракат табиий ресурсларнинг камайишига сабаб бўлиб, экологик бўҳронларга олиб келаётганлигини тан олмайди. Шунингдек, ҳар бир одамни шахс сифатида қадрият, маънавий маданият вакили тимсоли эканлигини инобатга олмайди, баъзи ҳолларда унинг ижтимоий мақсадлари мазмунини инкор этади. Ушбу жараённинг яна бир ўзига хос хусусияти шундан иборатки, таълимнинг ҳар бир авлод маънавий юксалишини таъминлаш функциясини бажаришидан кўра, бозор иқтисодиёти талабларини бажарувчи субъектга айланишига ёрдам берувчи механизм сифатида қараш ҳолатлари мавжуд. Шу муносабат билан қайд этиш

лозимки, ҳозирги даврда ижтимоий тараққиётнинг муносиб йўллари излаб топишга ҳаракат қилинмоқда ва бу жараёнда жамиятнинг ушбу тараққиёт механизмларига мослашувчанлигини таъминлаш вазифаси долзарб аҳамият касб этмоқда. Бундай муносабатлар таркибида, яъни мавжуд назарий фикрлар, илмий асосланган ғоялар қаторида жамиятнинг барқарор ривожланишини таъминлаш концепцияси алоҳида ўрин эгаллайди. Ушбу концепция файласуфлар ва бошқа фанлар вакиллари томонидан инсониятни ҳозирги даврдаги мавжуд бўҳронлар ва кризислардан олиб чиқадиган, уни мунтазам ривожланиш имкониятини бевосита таъминловчи ягона илмий концепция сифатида илгари сурилмоқда. Глобал ривожланишнинг бир қисми бўлган мамлакатимиз, тараққиётнинг янги босқичига кириб, етакчи мамлакатлар қаторидан жой олиш учун ҳаракат қилаётиб, ҳар бир шахснинг ушбу жараёнда фаол иштирокини таъминлаш механизмини топишга ҳаракат қилапти ва бу жараёнда техник, технологик, иқтисодий ва бошқарув механизмларини такомиллаштириш йўллари излашга ҳаракат қилмоқда. Бундай шароитда биринчи навбатда шахснинг ислохотларга муносабатини таъминлаш, уларнинг тараққиёт жараёнини таъминлашга қаратилган дунёқарашини шакллантириш лозим. Бундай шароитда содир бўлаётган жараёнларга бутун жамият аъзолари, унинг таркибида мавжуд бўлган алоҳида институтларнинг, айниқса ёшлар ва бўлажак мутахассисларнинг адаптациясини таъминлаш зарурияти вужудга келади. Бундай вазифалар ечимида олий таълим муҳим аҳамиятга эгадир, чунки олий таълим жараёни ижтимоий ҳаётга кириб келаётган янги кадрлар корпусини тарбиялайди, мутахассис сифатида тайёрлайди ва унинг жамиятга ижтимоийлашуви асосларини шакллантиради. Олий таълим бўлажак мутахассисларда касбий кўникмаларини яратади, уларнинг миллий ва умуминсоний қадриятларга ижобий муносабатини юксалтиради.

Мавзу таркибига кирувчи муаммолар фалсафий жиҳатлари тадқиқотининг долзарблиги олий таълимнинг алоҳида ижтимоий институт эканлиги ва янги тараққиёт босқичида ижтимоий-иқтисодий муаммолар ечимида, барқарор тараққиётни таъминловчи муҳим фактор ролини эгаллаши, унинг жамиятда содир бўлаётган реформацион ўзгаришларга мослашувчанлик имкониятлари билан белгиланади. Таъкидлаш лозимки, фақат таълим, унинг муҳим бўлаги ҳисобланган олий таълим жамиятнинг турли ривожланиш босқичларига шахснинг мослашувчанлик имкониятларини таъминлайди, янги авлодни ўқитиш ва тарбиялаш натижасида ёшларнинг, бўлажак мутахассисларнинг дунёқарашини, маданиятини, касбий билимларини шакллантиради ва ижтимоий ривожланишга оид йўналишлар вужудга келади. Ушбу омиллар олий таълимни янги тараққиёт босқичида жамиятнинг барқарор ривожланишни таъминлаовчи фактор сифатида илмий фалсафий жиҳатдан чуқур ўрганишни, тадқиқ этишни тақозо қилади. Ўзбекистондаги янги тараққиёт босқичининг инсоният цивилизацияси ривожланишидаги таркибий қисм эканлигидан келиб чиқиб ва жамият ривожига салбий таъсир этиши мумкин бўлган жараёнларни ҳисобга олиб, олий таълимнинг ушбу жараёнлардаги ролини таҳлил қилиш амалий

аҳамиятга эгадир. Шунинг учун ҳам файласуф, жамиятшунос олимлар олий таълимнинг ҳозирги даврдаги мазмуни, мақсад ва вазифалари, жамиятнинг инновацион ривожланишидаги ўрнини турли аспектда ўрганишмоқда. Таъкидлаш лозимки, жамиятшунос тадқиқотчилар олий таълимнинг жамиятни барқарор тараққиёти моделига ўтишидаги ролига алоҳида ўрин беришмоқда ва шу билан биргаликда олий таълимнинг янги моделини барқарор ривожланишни таъминлашга кўмак берадиган асосий омил сифатида тасвирлашмоқда. Шуни қайд этиш лозимки, мамлакатимизда олий таълим ривожини, барқарор тараққиёт концепцияси моҳиятига бағишланган илмий тадқиқот ишлари мавжуд бўлсада, олий таълимнинг жамият янги ривожланиш босқичи даврида барқарор тараққиётни таъминловчи, кафолатловчи фактор эканлигига бағишланган тизимли суратдаги фалсафий тадқиқотлар олиб борилмаган. Шу муносабат билан қайд этиш лозимки, ҳозирги даврда таълим фалсафасининг методологик функцияларини тадқиқ этишда олий таълимнинг жамият барқарор ривожланишини таъминловчи омил эканлигига алоҳида эътибор бериш зарур. Шунингдек, олий таълимнинг узлуксиз ривожланиб бораётган мазмунига жамият субъектларининг мослашувчанлик жараёнини ўрганиш ҳам долзарб муаммо ҳисобланади. Айниқса, жамиятда содир бўлаётган ижобий ўзгаришлар мазмуни нуқтаи назаридан, яъни унинг ушбу жараёнларга мослаша олиши имкониятлари ва олий таълимнинг онтологик хусусиятларини мустақил ўрганиш зарурияти мавжуддир. Шунинг учун ҳам барқарор тараққиётнинг жамият ривожланишида устувор аҳамиятга эгаллиги, жамиятда содир бўлаётган жараёнларнинг унга нисбатан мослашишини илмий асослаш долзарб илмий фалсафий муаммолардан биридир. Ўзбекистон шароитида жамиятнинг барқарор тараққиётида олий таълим тизими ривожланишининг онтологик, аксеологик хусусиятларини аниқлаш ҳам амалий аҳамият касб этади.

Таъкидлаш лозимки, янги ривожланиш босқичида олий таълимнинг онтологик хусусиятларини аниқлаш, яъни унинг бўлажак мутахассисларга мавжуд миллий менталитетда, ёшлар дунёқарашида ва маданиятидаги ўзгаришлардан самарали фойдаланган ҳолда уларнинг мослашиш имкониятларини содир бўлаётган глобал муаммолар нуқтаи назаридан илмий асослаш зарурдир. Янги даврда жамиятнинг барқарор ривожланиши биринчи навбатда ижтимоий муносабатларнинг такомиллаштирилиши ва жамиятда мавжуд ижтимоий-иқтисодий муносабатларнинг яқин келажакдаги тараққиётига боғлиқдир. Ўзбекистон шароитида жамиятнинг барқарор ривожини нафақат инновацион асосдаги иқтисодий ривожланишни, ижтимоий ҳаётдаги, маънавий маданиятдаги, ташқи иқтисодий, маданий алоқалардаги тубдан ўзгаришларга хос бўлган кўрсаткичларини ўз ичига олади.

Жамиятнинг ҳозирги ривожланиш босқичида унинг олий таълим билан ўзаро муносабатларида диалектик ижтимоий ҳамкорлик мавжуддир ва шунинг учун ҳам олий таълим жамиятда содир бўлаётган жараёнларнинг сабабчиси ва натижаси сифатида намоён бўлади. Шу муносабат билан, қайд этиш лозимки, умумий жиҳатдан

олий таълим жамиятни табиий ва ижтимоий ўзгаришларга тайёрлайди, мослаштиради. Олий таълимнинг мослаштирувчи тизим сифатида инсон, давлат ва жамият муносабатларига нисбатан асосий мақсади, ўзаро чамбарчас боғлиқдир. Олий таълимнинг муҳим қадрият эканлигини англаш, жамиятда барқарор тараққиётга мослашувчанлик шароитлари шаклланишида ва унинг барча илмий, тарбиявий имкониятларидан ушбу жараёнда самарали фойдаланишда муҳим омил ўрнини бажаради. Ўзгариб бораётган Ўзбекистон жамияти ривожланиш босқичида тизимли суръатда янги қадриятларни изламоқда. Бундай шароитда мавзу тадқиқотига фалсафий ёндошувнинг аҳамияти кучаяди, чунки фақат фалсафий мушоҳода жамият томонидан илгари сурилаётган мураккабликларга илмий асосланган жавоб излайди. Ривожланган давлатлардаги мавжуд бўлган жамиятга нисбатан қиёсий хулоса қилинса, мамлакатдаги туб ижтимоий-иқтисодий ўзгаришлар, яъни жамиятни барқарорлаштириш концепциясини фақат илмий диалектик лойиҳа асосида амалга ошириш мумкинлиги маълум бўлади. Ҳозирги замон таълим жараёнининг жамиятни мослашувчанлигини таъминлашидаги ўзига хос хусусияти шундан иборатки, олий таълим жараёни амалиётда алоҳида қадрият сифатида намоён бўлаяпти. Такмиллаштирилаётган олий таълим тизимининг қадрият сифатида аҳамиятининг кучайиши бевосита жамиятнинг янги цивилизация, яъни барқарор ривожлана оладиган жамият сари йўл топишга уриниши, унинг устувор мақсадни амалга оширишга қаратилган қатъий ҳаракатининг кўринишидир. Барқарор жамият сари дадил ҳаракат давомида, олий таълим жараёнининг қадрият сифатида юксалиши, орқада қолаётган эмас, балки ундан илгариб бораётган, барқарор ривожланаётган жамият манфаатлари ва сўровларига мос бўлган, унинг ижтимоий-иқтисодий талабларини ўзига сингдира олган прогрессив тизим сифатида намоён бўлмоқда. Ўзбекистон шароитида олий таълим жамиятнинг барқарор ривожланишини таъминловчи факторлардан бири сифатида, унинг концептуал ечимларини топа оладиган омиллардан биридир, чунки бу мақсад янгиланаётган жамиятга кириб келаётган кадрларнинг янги корпусини тарбиялаш, замонавий талаблар даражасида амалиётга тайёрлаш ва олий таълим тизимида янги дунёқарашни шакллантиришга қаратилгандир. Олий таълимнинг қадрият сифатида шаклланиши ва юксалиб бориши жамиятнинг жадал ва инновацион асосда ривожланишига мос бўлиб, унинг асосий мақсади, мавжуд ижтимоий-иқтисодий муаммоларнинг илмий ечимини топиш ва Ўзбекистоннинг ривожланган мамлакатлар қаторидан муносиб ўрин эгаллашига, ёшлар ахлоқий, сиёсий, ватанпарварлик маданиятининг юксалишига ва шу билан биргаликда жамият тараққиётини хавфсиз, экологик жиҳатдан барқарор бўлишини таъминлашга хизмат қилишдир.

### **ХУЛОСА**

Хулоса ўрнида таъкидлаш лозимки, олий таълимнинг ижтимоий аҳамияти, фақат прагматик, яъни ўтган даврларга хос бўлган билимларни бўлажак мутахассисларга ўргатиш, уларда касбий кўникмаларини ривожлантириш билан чегараланмасдан, шу

билан биргаликда ҳозирги замон мутахассисларига хос бўлган шахсий хусусиятларни, жумладан юқори интеллект, дунёқараш, жавобгарлик ҳисси, фаоллик, ижодий фаолият олиб бориш каби жиҳатларни шакллантиришга ва пировард натижада бу жараён жадал ривожланаётган ижтимоий ва иқтисодий муносабатларга хизмат қилади. Барқарор тараққиёт концепцияси файласуфлар, жамиятшунослар, эколог олимларнинг кўп йиллик илмий изланишлари натижаси бўлиб, жамиятда экологик бўҳронлар содир бўлмаслиги, ижтимоий-иқтисодий муаммоларнинг тизимли ечимини топишга қаратилгандир. Барқарор тараққий этган жамият, бу ижтимоий муносабатларни ҳамма жабҳаларда такомиллаштиришга, жумладан, иқтисодий, сиёсий бошқарув, маданият, таълим, маънавий ва бошқа соҳалар такомилга қаратилган тизимдир, шу билан биргаликда инсон ва жамият муносабатларининг ўзаро уйғунлигини ҳам тақозо қилади. Бундай шароитда барқарор тараққиёт концепцияси инсон манфаатлари ва ижтимоий йўналтирилганлиги билан келажақда ижтимоий, маданий хилма-хилликни сақлайди, уларни тизимли такомиллаштиришга хизмат қилади.

### Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Президент Шавкат Мирзиёевнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига мурожаатномаси. <https://president.uz/uz/lists/view/2228>
2. Мирзиёев Ш.М. Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик-ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қондаси бўлиши керак. Тошкент, “Ўзбекистон”, 2017.-Б.
3. Tojaliev, A. A. (2021). Higher education system-a guarantee of sustainable development of society. *ACADEMICIA: An International Multidisciplinary Research Journal*, 11(9), 1021-1025.
4. Tojaliev, A. A. (2020, December). The Role Of Innovative Activities Of Highly Qualified Personnel In The Strategic Development Of The Regions. In *International scientific and current research conferences* (pp. 154-156).
5. Tojaliev, A. A. (2019). The necessity of using innovations in new developing process higher education. *Scientific Bulletin of Namangan State University*, 1(4), 132-136.
6. Tojaliev, A. A. Perfection of bachelor degree students training in the conditions of innovative development. *Published European Journal of Business Social Sciences (EJBSS)*, 7, 133-141.
7. Kasimova, K. N. (2022). The role of reading culture in increasing the effectiveness of education and upbringing. *Asian Journal of Multidimensional Research*, 11(2), 17-24.
8. Джалолова, М., Рахманова, Э. Ю., & Косимова, Х. Н. (2021). ВОСПИТАНИЕ СЕНСОРНОГО ВОСПРИЯТИЯ У ДЕТЕЙ ДОШКОЛЬНОГО ВОЗРАСТА. *Scientific progress*, 1(6).

9. Isroilov, M. (2022). The system of education and its interaction with the concept of spirituality. *Asian Journal of Multidimensional Research*, 11(1), 88-93.

10. Azamjonovich, I. I. (2021). The death penalty for a crime and its philosophical and legal aspects. *ACADEMICIA: AN INTERNATIONAL MULTIDISCIPLINARY RESEARCH JOURNAL*, 11(1), 1376-1381.

11. Ismoilovich, I. M. (2021, July). ISSUES OF TRANSFORMATION OF EDUCATIONAL EXPERIENCE OF DEVELOPED COUNTRIES. In *Euro-Asia Conferences* (pp. 227-239).

12. Abdumalikov, A. A. (2019). ENVIRONMENTAL ECOLOGICAL POLICY IN UZBEKISTAN AND NECESSITY OF FORMATION OF RATIONAL COMMUNICATION TO NATURE. *Scientific Bulletin of Namangan State University*, 1(9), 94-101.

13. Khakimovich, K. N., & Abdullazhanovich, A. A. (2021). JOINT INTERNATIONAL EDUCATIONAL PROGRAM AS AN IMPORTANT FORM OF TRAINING BACHELORS IN THE CONDITIONS OF A NEW STAGE OF DEVELOPMENT.

14. Абдумаликов, А. А. (2017). ФОРМИРОВАНИЕ ИНФОРМАЦИОННОЙ КУЛЬТУРЫ МОЛОДЕЖИ. *Theoretical & Applied Science*, (11), 277-280.

15. Абдумаликов, А. А. (2020). VIOLATION OF CONTRADICTIONS BETWEEN SOCIETY AND NATURE AS A GLOBAL CIVILIZATION. *Scientific Bulletin of Namangan State University*, 2(4), 218-224.

16. Zokirovich, Q. S. (2021). Social factors of entrepreneurship support in Uzbekistan. *ACADEMICIA: An International Multidisciplinary Research Journal*, 11(4), 1502-1507.

17. Козоков, С. З. (2020). ЎЗБЕКИСТОНДА ТАДБИРКОРЛИК ФАОЛИЯТИНИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШНИНГ ИЖТИМОЙ КЎРСАТКИЧЛАРИ. *Журнал Социальных Исследований*, 3(2).

18. Казаков, С. З. (2019). Социальные факторы формирования представлений о предпринимательстве в Узбекистане. *Социальная политика и социальное партнерство*, (12), 55-63.

19. Козоков, С. З. (2020). ОИЛАВИЙ ТАДБИРКОРЛИКНИНГ ЖАМИЯТ ТАРАҚҚИЁТИГА ТАЪСИРИ. *Журнал Социальных Исследований*, 3(1).

20. Mukumzhanovna, M. M. (2022, March). THE ROLE OF ARCHIVAL ACTIVITIES IN THE SYSTEM OF SOCIAL MANAGEMENT IN UZBEKISTAN AT THE PRESENT STAGE. In *E Conference Zone* (pp. 13-17).

21. Муйдинова, М. М. (2020). Архивы Узбекистана в социальном управлении. *Социальная политика и социальное партнерство*, (4), 70-76.

22. Муйдинова, М. М. (2021). АРХИВНАЯ ДЕЯТЕЛЬНОСТЬ КАК ОБЪЕКТ СОЦИАЛЬНОГО УПРАВЛЕНИЯ. *Oriental renaissance: Innovative, educational, natural and social sciences*, 1(1).

23. Муйдинова, М. М. (2020). АРХИВЫ КАК СОЦИАЛЬНЫЙ ИНСТИТУТ В СОЦИАЛЬНОМ УПРАВЛЕНИИ: ИСТОРИЯ И СОВРЕМЕННОСТЬ. *Журнал Социальных Исследований*, (SPECIAL 1).

24. Tojaliyev, A., & Tojaliyeva, G. (2021). INNOVATIVE DIRECTIONS IN THE FIELD OF PEDAGOGICAL EDUCATION. *Теория и практика современной науки*, (5), 22-25.

25. ABDURAKHMANOV, K. K., KHAKIMOV, N. K., RUZIEVA, R. H., MAKHMUTKHODJAEVA, L. S., & TOZHALIEV, A. A. (2019). Higher education as a significant factor of Uzbekistan's sustainable development.